

## I. ЯЛПИ ХУДУДИЙ МАҲСУЛОТ

Дастлабки маълумотларга кўра, 2020 йилда Андижон вилояти бўйича ялпи ҳудудий маҳсулот (кейинги ўринларда – ЯҲМ) ҳажми жорий нархларда 37 913,7 млрд. сўмни ташкил этди ва 2019 йил билан таққослаганда 2,8 % га ўсди. ЯҲМ дефлятор индекси 2019 йил нархларга нисбатан 111,0 % ни ташкил қилди.

Ўзбекистон Республикаси бўйича ЯИМнинг шаклланишида Андижон вилоятининг қўшган ҳиссаси 6,5 % га етди.



### Иқтисодий фаолият турлари бўйича ЯҲМ ишлаб чиқариш ҳажми ва ўсиш суръатлари


|   |  | Млрд. сўм       |                 | Ўсиш суръатлари, ўтган йилга нисбатан % да |
|---|--|-----------------|-----------------|--|
|   |  | 2019 йил        | 2020 йил        |  |
|   | <b>I. ЯҲМ</b>                                  | <b>33 242,4</b> | <b>37 913,7</b> | <b>102,8</b>                               |
|   | <i>шу жумладан:</i>                            |                 |                 |  |
|  | Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати            | 32 085,9        | 36 157,8        | 102,7                                      |
|  | Маҳсулотларга соф солиқлар                     | 1 156,5         | 1 755,9         | 103,0                                      |
|   | <b>II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати</b> | <b>32 085,9</b> | <b>36 157,8</b> | <b>102,7</b>                               |
|  | Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги           | 14 054,6        | 15 676,0        | 102,8                                      |
|   | <b>Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)</b>         | <b>9 331,4</b>  | <b>10 531,7</b> | <b>104,6</b>                               |
|  | саноат   | 7 761,1         | 8 551,7         | 104,6                                      |
|  | қурилиш  | 1 570,3         | 1 980,0         | 104,9                                      |

|   |  | Млрд. сўм      |                | Ўсиш суръатлари, ўтган йилга нисбатан % да |
|---|--|----------------|----------------|--|
|   |  | 2019 йил       | 2020 йил       |  |
|   | <b>Хизматлар</b>                           | <b>8 699,9</b> | <b>9 950,1</b> | <b>100,6</b>                               |
|  | савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар | 1 921,5        | 2 164,3        | 99,3                                       |
|  | ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа          | 1 660,8        | 1 904,6        | 104,7                                      |
|  | бошқа хизмат тармоқлари                    | 5 117,6        | 5 881,2        | 99,7                                       |

Аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯҲМ 12 006,0 минг сўмни ташкил этди ва бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 0,8 % га юқоридир.



### Аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯҲМ ҳажми ва мутлақ ўсиш суръатлари



Ҳудуд иқтисодиётининг барча тармоқларида яратилган ялпи қўшилган қиймат (ЯҚК) ҳажми умумий ЯҲМнинг 95,4 фоизини, маҳсулотларга соф солиқлар эса 4,6 фоизини ташкил этди.

Ҳисобот даврида қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигининг ЯҲМнинг тармоқлар бўйича таркибидаги улуши 43,4 % ни, саноат тармоғи 23,7 % ни, қурилиш 5,5 % ни ва хизматлар соҳаси 27,4 % ни ташкил қилди.

|    |                                      | <b>Иқтисодий фаолият турлари ЯҲМ таркиби</b><br>(жамига нисбатан % да) |              |
|---|--------------------------------------|--|--------------|
|   |                                      | 2019 йил   | 2020 йил     |
| <b>I. ЯҲМ</b>   |                                      | <b>100,0</b>   | <b>100,0</b> |
| <i>шу жумладан:</i>   |                                      |  |              |
|    | Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати  | 96,5   | 95,4         |
|   | Маҳсулотларга соф солиқлар           | 3,5  | 4,6          |
| <b>II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати</b>                                      |                                      | <b>100,0</b>   | <b>100,0</b> |
|  | Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги | 43,8   | 43,4         |
| <b>Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)</b>  |                                      | <b>29,1</b>  | <b>29,2</b>  |
|  | саноат                               | 24,2   | 23,7         |
|  | қурилиш                              | 4,9  | 5,5          |
| <b>Хизматлар</b>  |                                      | <b>27,1</b>  | <b>27,4</b>  |
| савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар  |                                      | 6,0  | 6,0          |
|  | ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа    | 5,2  | 5,3          |
|  | бошқа хизмат тармоқлари              | 15,9   | 16,1         |




## Иқтисодий фаолият турлари бўйича ЯҲМ таркиби (жамига нисбатан % да)




ЯХМнинг ўсиши ҳудуд иқтисодиётининг асосий тармоқларидаги ижобий ўсиш суръатлари билан боғлиқдир. Ўсиш суръатлари қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида – 102,8 % (ЯХМнинг тармоқлар бўйича таркибидаги улуши – 43,4 %), саноатда – 104,6 % (23,7 %), қурилишда – 104,9 % (5,5 %), хизматлар соҳасида – 100,6 % ни (27,4 %) ташкил этди. Хизматлар соҳаси таркибида ўсиш суръатлари савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларда 99,3 % (6,0 %), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа 104,7 % (5,3 %), бошқа хизмат тармоқларида 99,7 % дан (16,1 %) иборат бўлди.

**ЯХМнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича мутлақ ўсиш суръатлари**  
(ўтган йилга нисбатан % да)






## 2020 йилда ЯХМ ўсишида тармоқларнинг ҳиссаси (жамига нисбатан % да)



2020 йилда ЯХМ дефлятори индекси 2019 йил нархларга нисбатан 111,0 % ни ташкил этди. ЯХМ дефлятори индексининг энг юқори кўрсаткичлари қурилишда – 120,3 % ва хизматлар соҳасида – 113,7 % қайд этилди.



## ЯХМнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича дефлятор индекси (ўтган йилга нисбатан % да)

